

актабда» деж чиқарган Мурож
да халқ таълими тармоқлари
тиборни янада кучайтирди. У
жумҳуриятимиз халқ таъли
натвеш омаанинг қўллаб-қув
айли умидли келажак йўлид
малайди.

Қайта қуриш ва миллатлараро муносабатлар

ХАМ ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ, ҲАМ ШАХСНИНГ ЎЗ ИҶОДИНИ, ДЕМОКРАТИК ТАҲЛАШ АСОСИДА ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУҚИНИ СЎЗСИЗТАН ОЛИШ... ЛОЗИМ.
(КПСС XXVIII съезди резолюциясидан).

— Назаримда, инсоният тарихи бутунгича-лик индустриал, фикрлар хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги, эҳтирослар жўшқинлиги ва қурашчанлиги даврини бошдан кечирмаган. Фан ва техника инқилоби асрида жамияти неъматларнинг энг қимматлиси — инсон, унинг ўзига, қадру-қиммати, инсон қалби ва онги учун кураш тобора қизғин тус олди. Ҳаёт муаммолари тобора кўпроқ ижтимоий мазмун касб этмоқда. Ўта «шахсий» ҳаёт ҳам сёбат билан бирмунча боғланиб кетди. Ўзини ҳар томонлама овоз ва ҳур ҳис қилган киши барибир нимагадир тобе эканлигини чуқур тушуноқда. Халқлар, миллатлар янги-янги муаммолар гирдобига ашмоқда. Буларнинг бари бутунги улкан анжуманлар, йиғилишлар ва тортишуларнинг долзарб, мунозарали мавзусига айланди.

Хурматли Давид оға, ана шу муаммолар хусусида ўйлар эканман, беҳтиёр улкан мамлакатимизнинг кейинги 70 йиллик тараққиётига назар солигим келади. Айниқса, сўнгги беш йил ичида тилимиздан тушмаётган, аксинча, тобора чуқур мазмун касб этаётган қайта қуриш ибораси ижтимоий ҳаётимизда янгича муносабатларни келтириб чиқараётгани бежиз эмас.

— Тўғри, асримиз бошида мамлакатимизда чиндан ҳам туб бурилиш юз берди. Инқилоб ғалабаси нафақат Советлар юртида, балки бутун дунёда янгича тафаккурни бошла берди. Ҳаётга янгича қарашлар пайдо бўла бошладилар. Инқилоб пўртанаси ер юрриси ўзга тўқилгани, миллионлаб, миллиардлаб юракларда ақс-садо берди.

Асримизнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида эса киши умрига тенг бўлган даврни қайтадан элақдан ўтказиш, босиб ўтилган йўлданги неъматларнинг саратини сарайка, пучагини пучақча ажратиб чиқиришди. Зеро бу зарурат эди. Ижтимоий зарурат эди бу.

Халқ депутатларининг кейинги бир йил ичида бўлган сўзларнинг, бир неча ойлаб давом этаётган сессияларини, КПСС съездини бир эсанг, Менимча, қайта қуриш сўзининг моҳияти ана шу бир йил ичида яна ҳам кенгайди. У олдингидек нафақат иттифоқий соҳада, балки унга тенг равишда сёбат соҳасида ҳам кенг миёсоддаги ислохотни бошлаб юборди. Ана шундай ҳар томонлама туб бурилиш — аср бошдаги инқилобга ўхшаган қайта қуриш бизга зарур эди. Нима учун деганда бизнинг бутун сёсий системамиз ҳамма биландики, Сталин номи билан боғлиқ конституция асосида қурилган, унинг қатъий ва ҳукмдор бандлари билан мустаҳкамлаб қўйилган эди. Тўғри, биз кейинчалик «Сталин» сўзини олиб ташладик. Уни қамроқ қилдик. Фақат конституция деб юрдик. Лекин мазмун моҳияти билан «қомусий» қонун ўз асосини Сталин ғояларидан чекинмади.

Съезда Конституцияга атрофида катта мунозара бўлди. У нафақат ўша ҳукмдорлик даврининг махсуси бўлиб бутунлиқча қолди, балки Брежнев давридаги турғунлик йилларида яна бир «муҳим» банд — олтинчи мода билан тўлдирилди. Бу модада юзасидан қанчалик қизғин баҳс бўлганини айтиш билан биз ва низоҳат у бекор қилинди. Мен СССР Олий Совети сессиясида мазкур моддани бекор қилишга қарши чиндим.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, Конституциянинг фарат 6-моддасини бекор қилиш билан ҳеч нарса ўзгармайди. У бутунлай янги шароитларни ҳисобга олиб, социализм қонунларидан келиб чиқиб, қайтадан таъйинлаш керак. Мен масалага ана шу нуқтадан назардан қарайдим.

Бу модданинг конституцияга қирғилганига бўлган даврда — яъни 1977 йилгача йўл қўйилган қамчиликлар, юз берган сёсий фожиялар, таъйинлар ва ҳўрлашларнинг жабрини нафақат мен ва менинг авлодим тортди, балки биз ва сиздан кейин авлод ҳам ҳали-бери тортди. Бу мамлакатимизнинг барча жумҳурияларида деҳқонларнинг тақдирини — қулоқ деган бемаъни ҳаракатнинг пайдо бўлиши — қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига бирмунча зарар қилгани, коллективлаштириш сёсати ўз вақтидан олдинроқ, шомша-шопларлик билан ўтказилганлиги, 1937 йиллар қирғилликлари — бутун Советлар юртидаги барча миллатларга, шу жумладан, рус миллатига ҳам мансуб бўлган яқиндор, мустақил фикрга эга бўлган тафаккур кишиларини йўқ қилиш-дир.

Бутун-бутун халқлар ўз юртларидан, она-Ватанларидан жудо қилинди, ўзга юртларга қўчириб юборилди. Бундай хиёнатни инсоният тарихи қўрмаган. Ҳатто, Гитлер ҳам қанча ёвузликлар қилмасин, халқларни қўчириб юбормаган. Балки унинг учун қувиб юборадиган Сибирга ўхшаган жой бўлмагандир. Ўнда қонқарлар бор эди. Афсуски, бизда ундан ҳам баттар жазо чораларини қўллаш жойлари бор эди.

— Сиз, назаримда, инсонни қийнаб ўлдиришдан кўра киндик қони тўкилган она-Ватандан жудо қилиш, ўзга юртларда ҳору-зор қилиш, асрлар оша шаклланган тили ва маданияти, миллий аёнана ва урф-одатларидан айирини оғирроқ демоксиясиз. Мен шундай тушундим. Халқларнинг миллий оринини, нафсониятини, гурурини топташга чидаш осон эмас!

— Албатта-да. Биз инсон қадру-қиммати учун курашиб, қон тўкиб инқилоб қилдик, маъмуриятчи бўйруқбозлар бутун жамият, бутун тузум қадриятларини ўзларининг ҳукмдорликларига қўрбон қилдилар.

Олтинчи мода атрофидаги мунозаралар мен учун қўтлмagan ва ҳатто ажабтовур ҳодиса бўлиб туялди. Меними муҳокама қилинми? Буналик тўпалону, эҳтирослар авжининг сабаби нимада?

Халқлар бошига қулфатлар келтирган Конституцияни бутунлай қайта ишлаб чиқиш, унинг туб-асосини ўзгартириш лозим эди. Мунозаралардан юзакчилик менда шундай таассурот қолдирди. Нима учун? Шунинг учунки, Конституциянинг ўзида халқлар ва уларнинг Конституциянинг таъини бўлишган эди. Биринчи планда марказ, ундан кейин иттифоқ дош жумҳуриятлар, улар тарибида муктор жумҳуриятлар, муктор вилоятлар ва бошқалар. Конституция матнининг тагида сталинча автономлаштириш ғояси туради.

Ўз вақтида В. И. Ленин бу ғояни таъкид қилган эди ва унга қўшилмаслигини айтган эди. Ҳатто доҳий бу сёбатнинг хавфлигини дон ташвишга тушган эди. Шундай қилиб Сталин ғояси, унинг ҳаётга қарашлари ҳўригача амал қилиб келаяти. Чунки, у конституция билан мустаҳкамлаб, қонулаштириб қўйилган эди.

Бир халқ бошқа бир халққа қонун билан тобе қилиб қўйишга, инанинг тенглик деб айтишимиз мумкин. Жумҳурият билан муктор жумҳуриятнинг иккинчилари албатта бир эмас. Биринга РСФСРда 15 та муктор жумҳурият бор ва ҳўназо.

В. И. Ленин халқлар ва миллатларини уларнинг сони, ҳўдудининг кенглиги ёки торли-

Машҳур қалмиқ шофи,
СССР Олий Совети аъзоси,
СССР Давлат мукофоти
лауреати, КПСС XXVIII
съезди делегати
Давид ҚУҒУЛТИНОВ
билан мулоқот



ЎЗЛАТИНГНИ АНГЛАШ МАВРИДИ

гидан қатъи назар тенг деб ҳисоблар эди. У бўлажак давлатни — социалистик давлатни барча мустақил жумҳуриятлар иштиёри равишда қўшилиб, бирлашган ҳўлда тасаввур қилган эди.

Мен қачон бу мавзуда сўз очсам, ўртоқлар савол беришади: қолмиқ мукториятини тўла ҳўқуқли жумҳурият дёсак, кичкинага 370 минг кишилик халқни бутун бир Россия билан қандай қилиб тенглаштириш мумкин? 140 миллионлик жумҳурият билан-а?

— Миллат унга мансуб бўлган аҳолининг сони билан эмас, миллат бўлганлиги билан белгилабми? Инсон тақдирини, унинг орияти, қадрияти шу билан ўлчанмайми?

— Албатта, мен бундай пайтда бошқача бўлиб кетаман. Бундай юзаси саволлар баъзан жонингга ҳам тегиб кетади. Чуқур ўйла-масдан ёки атайлаб одамнинг ғалига тегиш учун бериладиган бундай саволларга шундай жавоб қайтараман: буларнинг бари нисбий, халқлар катта-кичиклиги билан баҳоланмайди.

Шундай баҳолаш ва шундай муносабат мавжуд экан, бу сёсий фожиядир.

Албатта, биз шу таразда иш юритиб, бундай тенгликнинг реализини ҳисобга олмасак, 1 миллиард 200 минг аҳолиси бор Хитой билан 140 миллион кишилик Россиянинг тенглигини қандай тушуниш мумкин. Биз бундай йўлдан муқаррар «Ҳўнага», тузумимизнинг инқирозига борамиз.

В. И. Ленин айтган эди: ўз маданияти, тарихи, аёнаналари ва Ватани бор халқ тенгдир. Буюк рус фойласуфи Чаадаев эса халқнинг буюклиги сони билан эмас, унинг маънавий қадрияти билан белгилабди, деб айтган эди. Ленин янги давлатни тузар экан, миллий сёбатининг бош концепцияларидан бири қилиб ана шу ғояни олган эди. Агар биз мазкур сёсий йўлдан бориб, халқларнинг миллати, сони ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, тенг қилиб қўйганимизда эди, ҳўзирги можааролар бўлмас эди.

Европада кўп бўлганман. У ерда кичик давлатлар жуда кўп. Шулардан бири Сан-Марино жумҳурияти. Уни тўрт томондан Италия ўраб олган. Ҳаммаси бўлиб 25 минг нафар аҳолиси бор. Ўзининг парламенти, президенти бор. Ҳатто 60 кишидан иборат армияси мавжуд. Давлат ўзининг конституциясига эга. Коммунистик партия фаолият кўрсатади. КПСС XXVII съездида Сан-Марино жумҳурияти коммунистик партиясининг вакиллари ҳам иштирок этишди. Тасаввур қилинг. Бу мамлакат ҳеч қачон ҳеч қайси давлатга ҳўжум қилмайди. Агар Италия унга ҳўжум қилса, адолатсизликдир. Миллий қадриятларни топташ ҳисобланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир, икки, уч миллион аҳолиси бўлган давлатлар анча-мунча. Шунинг учун ҳам миллатлар тенг ҳўқуқлигининг ленинча принциплари қаҳиқатга асосланади, деб айтаман.

Агар бизнинг мамлакатимиз чиндан ҳам кўнглили бўлиб бирлашган ва тенг ҳўқуқли қардош халқлар иттифоқидан тузилганда эди ҳар бир халқ ўзининг маданияти ва миллий ўз-ўзини англашнинг ривожлантириш учун ҳеч ким тўсиқ бўлмас эди. Нафақат ўзининг балки бутун мамлакат маданиятининг тараққиёти бошқача бўларди. Ҳатто, қайси бир даражаси ё қирраси билан жаҳон маданиятига ҳам қўшилган бўлур эди. Ер шарида яшайдиган ҳар бир халқнинг ўзига ҳис миллий қадриятлари албатта хоҳлаймизми-ёқми, барча халқларнинг мулкига айланар эди. Ўшанда қардош халқлар бир-бирларининг ютуқлари билан фахрланишарди, бир-бирларига сўяиб қолдирарди.

— Миллий онг, қайсики сиз айтасиз, менимча маълум бир халқнинг фақат ўзигагина хос бўлган фазилатларини ҳўмон қила олишдир. Қолаверса, асрлар, минг йилликлар давомида шаклланиб, сайқаллашиб, ўзининг қалби, қонига жонини, минг бир ҳўжайрасигача синдириб олган қадриятларини чуқур англаш, унинг орият даражасига кўтара олиш, кейинги авлодга бутун-борича соғ-омон етказиб беришдир.

Айни пайтда у бебаҳо маънавий бойлик ҳамдир. Миллий онг давр, тузум таъсирида у ёни бу тарада ўзгариб боради. Ижтимоий ҳаёт таъсирида ривожлана бориб, аста-секин шаклланади. Давр ҳамма вақт инсон қалби ва онига таъсир этади. Яъни ҳўқимини ўтказида. Яшаб турган барча онгли зот қалбиди ва тушунчасида маълум даражада из қолдиради.

— Тўғри, бу, масаланинг фақат бир томони. Давр ва инсон тафаккурининг бир-бирига боғлиқлиги хусусида гап борар экан, унинг иккинчи, яна ҳам мукҳимроқ томони бор. Шундай муаммолар мавжудки, улар барча халқлар учун умумийдир.

— Масалан?

— Масалан, экология, табиат муҳофазаси муаммоси ёки уруш масаласи ва бошқалар...

Кейинги пайтларда экология муаммолари шу даражада ўткирлашдики, бир халқ фожияси бутун мамлакат фожиясига, қолаверса

дунёвий ҳалокатга айланиб қолаётганлигини сеза бошладик. Табиатда номунасобилик миллий ва миллатлараро муносабатларни ҳам ўзига хос таразда қамраб олмақда.

Масалан, Ўзбекистонни олайлик. Мен у ерда кўп бўлганман. Ўзбек халқининг дарди, иштишлари ва миллий қадриятларини яхши биламан. Агар сталинча миллий сёбат конституция билан мустаҳкамлаб, ўзининг салбий, ҳатто, фожиявий таъсирини ўтказмаганда эди, Ўзбекистоннинг маънавий равиқи бутунгидан кўра бутунлай бошқача қиёфа касб этарди, деб ўйлайман.

Бутун дунё ўзбек халқи андуҳларноқ, айни пайтдаги ечимни қийин бўлаётган муаммоларини яхши билади. Сахий ерининг аҳолини ўйлаш оғир. Агар Ўзбекистон ленинчасига мустақил бўлганда эди, ҳеч кимга бўйсунмай фақат ўз жумҳурияти халқи бахти ғояси билан яшайдиган эди, пахтанинг бутун майдонлари қамраб олишга йўл қўйилмаган бўлур эди.

— Бу тўғрида кўп гапирилмоқда, Давид Никитич. Кейинги бир йилда жумҳуриятимизда экология, айни пахта яккахоқимлиги масаласида кўп иш қилинди. Пахтанинг ҳам ялпи микдори, ҳам ер майдони қисқартирилди. Бог, мева-сабзавот ва чўра учун кенг икмоний яратилди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг харид нархлари оширилмоқда. Бироқ, йиллар давомида илдиэ отган нуқсонларни бартараф этиш қийин бўлмоқда.

Эслайсизми, бир пайтлар Англияда жун учун қўйчиликка ружў қўйилган эди. Ҳамма нарсасдан воз кечиб, ҳамма нарс қўйчиликка қўрбон қилинган эди. Пахта ҳам ўзининг зарурлиги учун ҳамма нарсани ўзига қўрбон қилди. Ерин издан чиқарди.

— Келинг, оқиқ гапашайлик. Ростини айтийлик. Ер ва бошқа экинлар қаҳидагина эмас, ўзбек халқи қаҳида ҳам мулоҳаза юри-тайлик.

Ўзбек аёли, унинг норасида болалари... Уларнинг қисмати, турмуши... Мен шаҳардагилар қаҳида айтмайман. Гарч уларга ҳам осон бўлмас-да ерда ишлаётган деҳқон аёлларини эсласам йиғлагим келади. Қўзимга ёш оламан, ишонинг!

— Она сўти заҳарланган!

— Даҳшат! Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилаганда бундай фожиялар бўлармиди? Ҳар ҳўлда мен шундай ўйлайман. Бу пестидларнинг, қимёвий заҳарнинг сув, мева, сабзавот, чўра маҳсулотларидан ўтиб, она сўтига қўшилиб, заҳарланишга йўл қўйиларми, унинг қони бузилишга йўл қўйиларми? Буларнинг бари халқни йўқ қилиб, миллатни ўлимга маҳкум қилиш билан баробар.

Биз қайта қуришни охиригача олиб боришимиз керак. Бундан бошқа йўлимиз йўқ. Қайта қуриш ерини, барча заҳри қаттолни ювади...

— Табиатни ҳам, инсон қалби ва онгини ҳам чангу гўбурдан тозалайди...

— Шунинг учун уни тозарини, покларини даври деймиз. Янги бог-роғлар пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг жаннатий ери ўз номига муносиб бўлади. Бунга ишонаман.

Сизнинг юртингиз, у мен қўрган ва ҳавас қилган тўпроқ фақат жаннат учун яратилган. Яна ҳўшуд қўшқилар қўйланади, қарнай садолари баладрок янграйди. Мен бунини оруз қиламан. Бу орузимга етадиган қўнларим жуда яқин деб ўйлайман. Ўшим бир ёқда бориб қолганидан қатъи назар, Ўзбекистон ва Ўзбекларнинг ёшарини палласини албатта қўраман.

— Назаримда, миллий онг, миллий тафаккур ривожланишининг мукҳим омилларидир. Киши ўзлигини ҳис қилмас, ўз маънавий қадриятларини чуқур англамас миллий ва маданый неъматларини ривожлантиролмайдир. Бунсиз қалби ҳўвиллаб қолади. Туйғудан асар қолмайди. Ҳиссизлик эса онгсизликнинг белгиси, жаҳолат ва ҳўрофотнинг дебоҳаси.

— Бир миллатдаги миллий иштихор туйғуси, ривожланган миллий онг ҳеч қачон бошқа миллатдаги ҳўдди шундай туйғунини икор этмайди. Аксинча, уни тан олади. миллий қадриятларини ҳўрмат қилади. Улар асосида ўз қадриятларини боийтишга иштиалади. Бу биринчи навбатда маданият даражаси билан боғлиқ. Маданият даражаси эса онг аввало миллий маданият ривож асосида қўйилади. Ўтмиш маданиятининг, тарихий ва маънавий меросини чуқур ўрганиш бундай тараққиётнинг бош мессонларидан биридир. Қош-ғарий, Беруний, ибн Сино сингари маданиятининг ўнлаб, ҳатто юзлаб сўмас юлдузлари борки, улар нафақат ўзлари мансуб бўлган халқ, балки бутун жаҳон халқлари маданиятини юксалтиришда катта роль ўйнайди. Миллий онгини, миллий тафаккур ривожини бўғиб қўйиш реакция фалсафасига ва реацион фикрлашга олиб келди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

— Миллий маданиятлар — ягона социалистик маданиятнинг асоси деб келдик. Аслида, бир бутун юксак умуминсоний маданият миллий маданиятлар ривож асосида қўйилади. Миллий ва миллатлараро муносабатларининг ана шу қирраси хусусидаги фикрларини биз ўртоқлашамиз.

— Қайта қуриш даврида биз ҳамма нарсига янгича қарашни одат қилиб олдик. Ҳатто ҳўзиргача бизда Ленин оруз қилган Советлар роли жуда паст эди. Эндигина ҳўкимиятнинг уларга бера бошладик. Бу масаланинг сёсий томони. Энди маънавий томони қаҳида. Онгинини айтсак, социалистик сўзини биз бекорга ишлатиб келдик. Аслида у йўқ эди. Социализм моҳият эътибори билан бузиб юборилган эди. Шундай экан, ҳўзиргача мавжуд маданиятимизни шаклан ва мазмунан бузилган социализм маданияти дейишимиз мумкин, ҳўлос. Ана шундай пайтда қайта қуришнинг роли низоҳатда катта. Ҳўдога шукрини, у ҳар бир халқ, ҳар бир миллат равиқи ва миллий маданият ривожига чинакамича янги йўл очиб бермоқда.

Ҳўдо ўзбекларга сахий ва тутамас ҳазина мисол замин, ана шу замин сингари сахий ва муруватли маънавият, гўзал тил ва жаҳонга татигули буюк маданият берди. Мен юқоридида бу маданият аробларининг айримларини тилга олдим. Улар минг йиллик ва ундан ҳам олдинги ароблардан тортиб, менинг энг яқин дўстим Шукруллоғача бўлган ҳавас қилгулик улкан қадриятдир.

— Давид Никитич, бизда «Шоирлар — халқ тисмоли» дейишади. Сизнинг ўзбек ма-

даниятининг ўзи халқларни бирлаштиради. Улар ўртасидаги муносабатларда самимият пайдо бўлади. Ўзаро ишонч, ягона тақдир учун кураш туйғуси кучайиб боради.

— Сўхбатимиз мазмун бироз кенгайди, ҳамаси. Инсон ва унинг ҳўқуқлари, ҳўқуқий давлат ва сонал адолат бизнинг энди, қайтадан тикланаётган, уни янги мазмун билан бойитаётган жамиятимизнинг туб мазмунига айланоқда. Бироқ, халқ ҳам ҳаётда ўз қадрини тополмаслик, миллий хис-туйғуларини камситиш ҳўллари содир бўлмоқда. Жуда бўлмаса, янги қабил қилинган қарорлар, қонуналар ва турли расмий ҳўжжатлар ҳўкимга амал қилинмайдиган. Олий Совет сессияларида тасдиқланган, матбуот ва телевидение орқали эъжон қилинган, халқ томонидан ҳўшудилик билан қўтиб олинган жийдий ҳўлосалар ҳам...

— Нимага шамма қилаётганимизни тушу-ним. Мамлакатимизда юз бераётган ҳўзирги вазият анча мураккаб. Шулардан бири ҳўдда гапирга қолай. Аслида сиз ҳам ҳўдди шуни кўтмоқдасиз.

Халқларнинг жинояткорона қўчириб юборилганлигини қораловчи Декларацияни Олий Совет қабул қилгани нафақат бизнинг мамлакатимиз учун, балки халқлар майдонда ҳам катта аҳамият касб этади. Ана шу ўтмишдаги аянқли ҳўқимни қоралаб эканмиз, биз ўзининг-ўзимиз қораландик. Негаки, халқларни ўз юртидан жудо қилган, уларнинг бошига нене қулфатларини солган америкаликлар ёки францияликлар эмас, бизнинг ўзимиз эдик. Бироқ, ўз халқимизни кеч бўлса-да, тушундик. Уни тан олдик. Бу тарих нечирмас нуқсонимизни тузатишга ҳаракат қилдик. Лекин жабрдийда халқларнинг бошқа халқлар қатори тенг ривожланишини таъминлаш учун халқ кўп иш қилиш керак. Масалан, қрим татарларнинг жумҳуриятлари ҳали-гача ташқил этилмаганини менинг вийдони минг қийнайди. Бу халқ тақдирдан доимо ўксинаман.

Месхети турклари, Волгабўйи немислари аҳволи ҳам қўн тартибдан тушган эмас. Бу халқлар тақдир катта журъат ва қатъийлик билан иш тутисагина ўнгиланиш мумкин, ҳўлос. Айни пайтда грузиялик дўстларимизнинг халқ-ҳаракатларини тушунолмайман. Қадимий, буюк маданият эгаси бўлган, миллий масалаларни ўта нозик ва ҳар томонлама чуқур тушунадиган, ўз миллий ҳақ-ҳўқини доим қўмон қила оладиган халқ Сталин фашистларга хос усул билан таҳқирлаб, ҳайдаган месхети туркларини ўз она юртига қайтишларига қаршилик қилмоқдалар. Аксинча, улар ўша давр халқларига ўзларини даҳлдор деб билимоқлари, бир-бирларининг дардларига қўшини халқ сифатида шерин бўлмоқлари, ягона мансуд, олий ва эзгу ният сари биргаликда иштишларни лозим. Нечирим сўраб, оқиқ ўз билан юртдошларини қарши олмақлари керак. Грузияликларнинг ҳўзирги халқ-ҳаракати уларнинг улуг номларига мотаси, деб ўйлайман.

— Камчиликлар, нуқсонлар шу даражада бир-бирига боғлиқ кетдики, бу чиналдани ечим осон эмас. Кимга қарамаган, у қайси миллат ё эллати мансуб бўлмасин, қўнглини ёради, дардини тўкиб солади. Айтиш мумкинки, армонлар дардга айланган.

— Шундай бўлса-да, биз аввалдан бор ўзимизни ўнгламоғимиз даркор. Маънавий ва руҳий жўшқинлигини дадиллик, иштилармонлик билан қўриштириб, масалаларга қатъий билан киришишимиз, тўсиқларни енгмоғимиз керак.

Биринчидан, жуда чуқур илдиэ отган расмиятичилик, идора ва маҳкамалардаги инсонга нисбатан бефарқлик, шулар натижасида келиб чиқадиган адолатсизлик билан курашмоқ лозим. Иккинчидан, масалаларга сер-таклик, ақл-идрок билан ёндашшини одат қилмоқ керак. Кейинги пайтда қизгин тус олган ортинча шовқин-сурон қўтиришлар ва мингитболик қилишларини ўзимга синдирило-майман. Тўғри, камчиликларимиз кўп, халқликларга йўл қўйилди. Эндиги вазифа нуқсонларни бўрттириб қўрсатиш эмас, балки аксинча, уларни бартараф этишдир, халқ шундан ман-фаатдор.

Ана шунини айтиш керакки, йиллар давомида маълум даражада ютуқларимиз ҳам бўлди. Уларни икор этиш мумкин эмас. Барча халқларнинг маданияти, адабиёти ва санъати юксалди. Мен жуда кўп хорийий мамлакатларда

Тўғри, газетам "Совет Ўзбекистони"
Жемиш, зўбон нарав Динами
и Навон боси ғўстичи сўвек
Великих предков и земли
Ўзбекистона сўласи свободной
ойи всего, тўи менает увесит
сизам и людским душам.
Тўсуб счастье воегем в
камары дом и звыбул мўдике
песни.
D. Qulmatov
902.

рурий эҳтиёж. Буларсиз қонунсизликнинг аянқли ҳўқим давом этавериши мумкин. Энди бундай яшаб бўлмайди. Халқимиз қонунсизликнинг изтиробли ва ачиқ оқибатларини кўрди. Ҳар бир киши, ҳар бир миллат унинг қўрбон бўлди. Инсон тўрт томондан қонун-бузарлик, таъийқ, аулим билан ўралган, но-ҳақликнинг гирдобига тушган эди.

Ақидаларга қўра инсонга табиат берган буюк неъмат, шўх неъмат деб қарар эдик. Аслида эса қонунсизлик жамиятида у қулга айланиб қолди. Шунинг учун ҳам Олий Совет, бутун халқимиз биринчи навбатда ҳўқуқий давлатни барпо этишни зарурий эҳтиёж деб ҳисобламоларда, унга иштилоқда. Ҳўқуқий давлатда инсон шахс сифатида ҳар қандай камситиш ва таъийқдан ҳўмон қилиниши назарда тутилмоқда. Ана шундагина ҳар бир киши ўзини овоз ҳис қилади, эркин яшайди, эркин меҳнат қилади. Ҳўқуқий давлатсиз инсон овоз ва эркин бўлмайди. Ана шу имко-

бўдим. Социалистик мамлакатларда ҳам, капиталистик давлатларда ҳам бизга қиёқчи билан қараётганларига ғўвҳоман. Улар бизнинг маданый турмушимизни жуда қўри ба-ҳўлашади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Халқлар бир-бирининг маданый ютуқларини чуқур билимоқлари керак. Бир-бирини маънавий жи-ҳатдан бойитиб бормоқлари лозим. Чунки ҳа-қийқ санъат ҳақиша эзгуликка ундайди. Ма-даният бу черок. Маданият бу — масжид! У ҳеч қачон ёмонлигини

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Учқўрғон районидagi «Учқўрғон» давлат хўжалигида яна бир ёрдамчи тармоқ иш бошлади. Яқинда замонавий техника воситалари билан жиҳозланган консерва цехи битказилиб, ишга туширилди. Бу цехда 30 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Ёрдамчи тармоқ

Хўжаликнинг 70 гектарлик боғи ўртасида қурилган цехда ҳар кун 2 минг шартли банка мева, узум, қовун мурabboси, турли шартлар тайёрланмоқда. Раёно Зокирова, Муҳаббат Отахонова, Муножат Аҳмедова сингари ишчилар мўл ва арзон маҳсулот тайёрлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Корхонада йил охиригача 300 минг банка консерва маҳсулоти тайёрлаш мўлжалланмоқда. Келгуси йилда эса корхонада янги линиялар ишга туширилиши тўғрисида бўлиниди. Шунингдек, хўжаликда атлас тўқиб цехи ҳам маҳсулот бера бошлади. Бу ёрдамчи хўжаликларида совхоз йилига 100 минг сум даромад олади.

И. РУСТАМОВ.



● Пойтахт вилояти Калинин районидagi Гагарин номида боғдорчилик-узумчилик совхозининг тадбиркор деҳқонлари Мирзабой Тожибоев бошчилигида янги мослама яратди. Янги культиватор боғ ва узумзорлардаги меҳнатни енгилаштирилади. Унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзига уч ишни бажариш мумкин; тупроқ ағдарилади, ўғит сепади ва кўчат шохлари кесилиди. Янги агрегатнинг юзага

МОСЛАМА МЕХНАТНИ ЕНГИЛЛАШТИРАДИ

келиши ҳам қизиқ бўлди: ҳаммаслар ишдан бўш вақтларида темир парчаларини йиғишди. Қайта ишлашга

топирилиб, агрегат учун зарур жиҳозлар тайёрланди. Чизма варақалари яратилди. Синаш ишлари ҳам кўп вақт

ни олгани йўқ. Совхоз устасида янги агрегат қўлдан чиқарилди.

ЎзТАГ сураткаш мухбири А. Горюкин олган лавҳада хўжалик аъзоларини кўриб турибсиз: тракторчи Бахтиёр Черченбоев (чапда), совхоз бош инженери Накил Барлибоев, марказий ремонт устаси мудири Мирзабой Тожибоев ва боғдорчилик участкаси бошлиги Неъматилла Раҳматуллаев ўзаро мулоқотда.

Боғбонлар ғайрати

— 110 гектарлик боғ ва тоқзорларни беш йил муддатга ижарага олганимиз, — дейди Екубжон Аббосов. — Бу йил 590 тонна ҳосил етиштирмиш. Айни пайтда 56 нафар ижарачи ихтиёрига 1,2 — 2,5 гектардан боғ ажрати берилган. Айниқса, Халимажон Холмирова, Боймурод Холбоев сингари ижарачилар боғлардан мўл ҳосил олишаётир.

А. АСРОРОВ.

Ўш ўзбек музыкали драма театри—жумҳуриятимизда

Жумҳуриятимиз пойтахтига иккунчи сафар билан Қирғизистон ССР С. М. Киров номидаги Ўш вилоят музыкали драма театри жамоаси ташриф буюрди. Муқимий номидаги ўзбек музыкали драма театрида 1—6 сентябрь кунлари бўлиб ўтказилган тоқошлар Ўш театрининг 60 йиллик туғилга бағишланади. Махсус муҳбиримиз С. ХАКИМОВ театр директори Бахтиёр ТУХТАМАТОВга бир қанча савол билан мурожаат қилди.

— Театр санъати — халқ маданияти ҳаётининг ички томони. Саҳнада ўтмиш ва замон, бугун ва келажак мукаммал. Аммо театр тарихи — бу энг аввало, интимий кечмиш, бадий тафаккур соломаси, шу билан бирга санъаткор авлодлар шажараси ҳамдир. Бу гаплар шубҳасиз, ўзининг олтими йиллик тўйини нишонлаётган Ўш муқимий драма театри фаолиятига ҳам тааллуқли. Шу ҳақда гапириб берсангиз!

— Ҳақиқатан ҳам театр ҳаётини иккунчи ҳаёт тарихисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, театр труппалари халқ орасида давлат билан янги тарғиботчи сифатида юзга келган. Ўш ўзбек театри жамоаси ҳам ана шундай ташкил топган. Маърифатчи коммунистлар Болтахонов Султонов ва Фозилбек Қосимов театр ташкилотчиларидир. Давр мураккаб эди. Уларнинг ҳар иккисини ҳам босмачилар қийнаб ўлдирдилар. Бироқ труппа тарқаб кетмади. Д. Зайнобиддинов, И. Саидов, М. Камолов, Л. Исроиллов каби маърифатчилар устозлари ишнинг давом эттирдилар.

Театрининг иккунчи йўли Маннон Уйғурнинг «Туркистон табиби» спектакли билан бошланади. Худди ўша пайтларда актёр Д. Зайнобиддинов аёллар ролининг моҳир ижрочиси сифатида танилган. Мана шу мисолнинг ўзи ўзбек аёлининг саҳна сари йўли театримиз тарихида ҳам мушкуллик билан кечганлигидан далолат.

Ҳар қандай иккунчи ташкилотда бўлгани каби 1929 йилдан расман иш бошлаган Ўш театри камолот йўлида ҳам парвозлар ва пасайишлар кўзга ташланиб турди. Бироқ театр ҳар гал халқ қалбига йўл топиш, томошабинлар ишончини қозониш режаси билан ишлади.

Яна тарихимиздан мисол келтирайлик. 1919—1920 йиллар ўшда театрлашган гуруҳ ташкил топди. Бу йиллар Қирғизистон жауҳарида Шўро ҳокимиятини ўрнатилиш учун кураш кетаётган кезлар эди. Ўш ҳарбий комиссариати ҳузуридаги маърифий-тарғибот бўлими мудири Д. Зайнобиддиновга 1920 йилнинг 6 августидан берилган гувоҳномада шундай сўзлар ёзилган: «Шу мазмунда, у Ўш агитация маърифий бўлими ҳузуридаги турк группаси артисти

тадан зиёд намоиш қилинди.

Яқинда театр саҳнасида яна Адолат ариyasi йнгради. Адолат ролин ижро этган Қирғизистон ССР халқ артисти Ойтожи Шабдонова устозлари ананаларини да

— Ўш азиздан тилларим, маданияти бир ўзбеклар ва қирғизлар макон тугган юрт. Шундай экан, бу театр намоиш этаятган саҳна асарлариди ҳам акс этиши, шубҳасиз. — Бўлмаса-чи, Театримиз ҳақиқий маънода бай

ИККИ ХАЛҚНИНГ БИР ТОМОШАГОҲИ

ҳисобланади». Сарғайиб кетган қоғоз орасида эса дастлабки актёрлар, биринчи спектаклларнинг номлари ёзилган:

1919 йил — «Заҳарли ҳаёт». Ҳамза Ҳакимзода. 1920 йил — «Туркистон табиби». Маннон Уйғур. 1923 йил — «Лолан». Комил Йиши.

Ва ниҳоят, 1929 йил саҳнада биринчи қизалоқлар қадам қўйишди. Улар ўш уч ёшли қизалоқлар — бўлгуси Қирғизистон ССР халқ артистлари Тожижон Ҳасанова, Лайлижон Мамадовадир эди. Улар ижросида «Адолат» спектакли саҳнада минг мар

ном эттириб, ўзи жонланган образни янгича талқинлар билан бойитди.

Ҳар қандай театр ўз қиёфасини йиллар давомида шакллантиради. Бунга, албатта, андодлар аъёнларини иккунчи давом эттириш, ижро талқинларини замон талабларига мувофиқ яриштириш орқали эриштириш мумкин. Бугунги кунда театрда уни ташкил этишда фаоллик кўрсатган дастлабки қалдирғочлар А. Тўхтамазов, В. Тўрақўжаева, З. Шокирова, Т. Нурбоева, Д. Қасимов ва М. Қасимовнинг сулоалари ҳам ижод қилишмоқда.

намлилар театрлардан. Ҳаётнинг ўз тақозосидир бу. Томошабинлар театр саҳнасида кўп бора намоиш этилган ўзбек адабиётига мансуб Комил Йишининг «Нурхон», «Дилором», достонлар асосида шакллантирилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», Собир Абдулловичнинг «Алпомиш», «Тоҳир ва Зухра» каби миллий классик мусиқали драмаларини неюлғил қадрласалар, қирғиз драматурглари асарларини асосида саҳнага олиб чиқилган драмаларини ҳам катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Ҳ. Турусбековнинг «Ажал ўрнига»,



● «Адолат» музыкали драмасидан бир кўриниш. Адолат ролида — Қирғизистон ССР халқ артисти Ойтожи Шабдонова, ўгли ролида — артист М. Раҳматов.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● УРТОҚЛИК УЧРАШУВИ. СССР РМБ командаси Европада чемпионатга ҳозирлик тарафидан ўтказилган ўртоқлик учрашувида имкониятни бой берди. Футболчиларимиз ўз майдонларида Руминия командасига 1:2 ҳисобда ютказишди.

● ИККИНЧИ ЛИГА. Шарқий зонада ўтказилган навбатдаги учрашувлардан кейин Нахиджанин «Океан» футболчилари 35 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Наманганнинг «Навбахор» командаси 34 очко билан иккинчи бўлиб турибди. Чимкентнинг «Мелиоратор» ва Фарғонанинг «Нефтяник» коллективларида 33 тадан очко тўпланган.

ЯНГИ НАШР

БУХОРО ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи ҳодимлари «Бухоро вилояти тарихи ва маданияти» ёдгорликлари тўпламини нашрга тайёрладилар.

Бухоро инқилобининг 70 йиллигига тайёргарлик юзасидан амалга оширилётган бу хайрли тадбир орқали вилоят тарихи ва маданиятини ўзидан муҳим ҳисса қўшган фойдаловчи ёдгорликлари ҳақида улар яшаган ўйлар ҳақида маълумотлар, расмлар тўпламдан ўрин олган. Шунингдек, ёдгорликлар мажмуеси инқилобий майдонлар ва тарихий тадбирлар ўтказилган жойлар ҳақида ҳам маълумотларни ўз ичига олади.

М. СУЛТОНОВ.

ОЛАМ

АЖОЙИБОТЛАРГА ТўЛА

24 СОАТДА 90 МИНУТ УХЛАБ


● Ўрта аср мутафаккири ва олим, италиялик мусавир Леонардо да Винчи 67 йил умр кўрганлиги маълум. У суткада 90 минут ухлаган — америкалик тадқиқотчилар шундай хулосага келишди. Мусавир ҳар тўрт соат ишлагандан сўнг 15 минутдан дамнинг олган. У бу вақтнинг ухлаш учун сарфлаган.

Америкаликлар орасида Винчининг замонавий издошлари учрапти. Матбуотнинг гувоҳлигига кўра, ёш мусавирлардан бири 3 hafta мобайнида суткасига бор-йўғи, 2,7 соатдан ухлаган. Рассомнинг кўрагаси ташкил этилди. Санъат муҳлислари кам ухлаб яратилган расмларга юксак баҳо беришди.

ИЗЕН КЎЧАТИДАН ҚАЛЪА

● Англияда ўзига хос «қалъа» бор: у изен кўчатларидан яратилган. Қалъа деворлари шаклида ўстирилган изен кўчатларининг баландлиги 11, кенглиги 4, узунлиги эса 155 метрга етади. Кўчатларга бир йилда бир марта шакл берилади. Бу иш учун 8—9 кун сарфланади.

ЯШИНДАН ҲИМОЯЛАНИБ



● Америкада нашр этилган «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» журнали ҳайъати томонидан қизқарли тадқиқот олиб борилди. Йилга ерга қанча яшин тушади? Маълум бўлишича, яшин тушиши йилдан-йилга камайиб бораётган. Ҳисобиктобларга кўра июль ойида табиқанинг бу инжиқлиги натижада фалокат кўпроқ юз берад экан.

Кишилар яшиндан ҳимояланиш йўллари қидириб топишмоқда. Журнал далил сифатида рақамлар ҳам келтирди. Масалан, 1940 йилда Қўшма Штатларда яшин тушиши оқибатида 340 киши ҳалок бўлган бўлса, ўтган йил бўндай фалокат тўғрисида 70 киши вафот этган. Ўзлон қилинган суратдаги қизқарли ҳам фалокатнинг йил сайин камайиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Мухаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси
12-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЖУМҲУРИЯТДА БИРИНЧИ МАРОТАБА

1990—1991 ЎҚУВ ИЛИ УЧУН

ҚУИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР (чорвачилик йўналиши бўйича) — электромонтер, чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, чорва фермаси механизатори, «В» ва «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари берилади.

Ўқиш муддати 9-синфни битирганлар учун 3 йил, 11-синфни тугатганлар учун 2 йил.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ФЕРМЕР (чорвачилик йўналиши бўйича) — ихтисоси бўйича 9-синфни битириб ўқишга кирганлар ҳам бир курсдан сўнг маълум мутахассислиқни ағаллаб, ишлаб чиқаришга кетишлари мумкин. I курсдан сўнг электромонтер касби ҳамда умумий таълим мактабининг 10-синфини тугатганлиги ҳақида ҳужжат берилади. II курсдан сўнг чорва молларига ветеринар ишлов бериш касби ҳамда тўла ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. III курсдан сўнг кенг ихтисосли тракторчи-машинист, чорва фермаси механизатори «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси касблари ҳамда фермер дипломи берилади. 11-синфни битирганлар учун: I курсдан сўнг электромонтер, чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, II курсдан сўнг чорва фермаси механизатори, кенг ихтисосли тракторчи-машинист «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари ҳамда фермер дипломи берилади.

ФЕРМЕР (асаларичилик йўналиши бўйича) ихтисоси бўйича 9-синфни битириб ўқишга кирганлар учун: I курсдан сўнг электромонтер касби ҳамда 10-синфни тугатганлиги ҳақида ҳужжат берилади. II курсдан сўнг асаларичи касби ҳамда тўла ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. III курсдан сўнг кенг ихтисосли тракторчи-машинист, дурадгор «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси касблари ҳамда фермер дипломи берилади. 11-синфни битирганлар учун I курсдан сўнг электромонтер, асаларичи, II курсдан сўнг дурадгор, кенг ихтисосли тракторчи-машинист «В» ва «С» тоифали автомобиль ҳайдовчиси мутахассисликлари ҳамда фермер дипломи берилади.

Кирувчилар билан суҳбат ўтказилади. Суҳбатда биология, математика ва касб ҳақида саволлар бўлади.

СУҲБАТ 28 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.

Ўзоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш даври доимий меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. 4 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва стипендия берилади.

Ўқишга кирувчилар қўйдаги ҳужжатларини топирадилар: директор номига ариза, 9 ёки 11-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, турар жойдан маълумотнома, 6 дон 3х4 см. ҳажмида сурат, 086/У андозадаги тиббий шаҳодатнома, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.

Манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Геофизика даҳаси (М. Горький метроидан Тўзель автобусининг Геофизика бекати, 21, 63, 73, 112-автобусларнинг сўнгги бекати, 49-автобуснинг 1-«Қорасув» бекати).

Телефон: 64-31-34.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Ўрта Осиё темир йўл қурилиш трестига ва
базасига қарашли

15-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ЎҚУВ ИЛИ УЧУН

ҚУИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ЙИГИТЛАР УЧУН

Қурилиш машиналарини ремонт қилиш технологияси бўйича слесарлар, монтажчи, ёғиш терувишлар, бўғичи-сувоқчилар, дурадгор, дурадгор-мебелчилар, автоматика ва телемеханика қурилмалари билан жиҳозлаш бўйича монтерлар, электр пайвандчилар, электр ва газ пайвандчиси ва плита ўрнатувчилар.

Бир йиллик гуруҳларга 11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар қўйдаги мутахассисликлари бўйича қабул қилинади:

электр пайвандчи, электр ва газ пайвандчи, дурадгор, дурадгор-мебелчилар, қурилиш бўғичиси, ёғиш терувчи ва пардозловчилар. 30 сум стипендия тўланади. Совет Армиясини 1990 йил май ойида тугатганларга 75 сум стипендия берилади.

ҚИЗЛАР УЧУН

«Давлат жамғарма кассаларида ишловчи кассир-контролёрлик» фақат йўлланма билан келганларга оғига 70 сум стипендия тўланади.

Бичувчи-тикувчилик, фақат шаҳарда пропискаси бўлган қизлар қабул қилинади ва оғига 30 сум стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус билим юртиларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юртини битирган ўқувчиларга Ўрта Осиё темир йўл қурилиш бошқармалари трестига йўлланма берилади. Билим юртида ётоқхона мавжуд. Жумҳуриятимиз вилоятларидан келганлар жой билан таъминланадилар.

Шунингдек билим юртида бадий ҳаваскорлик, техника ижоди, спорт секциялари ишлаб турибди. Билим юрти насрлар ва умумтаълим фанлари бўйича ўқув базасига эга.

МАШҲУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қўйдаги ҳужжатларини топирадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, медицина справкаси, турар жойдан справка, 6 дон фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза району, Слоним кўчаси, 113-уй. 26, 61, 23, 154-автобусларнинг «Изот» 3, 23-трамвайларнинг «Котельная» бекатлари. Телефонлар: 96-17-61, 96-43-41.

Тошкент давлат театр ва расмий санъати институти, нинг маъмурияти, санъат графикаси кафедраси жамоаси шу кафедрани мудири, катта ўқитувчи Ф. П. Ҳантовга онаси

Муборан Иромова
ҲАЙТОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изор қилади.

Тошкент таълимчилик ва енгил санъат институти ректорати, енгил санъат технологияси кулбети, назарий механика кафедраси, шу кафедранинг доцентини ва енгил санъат технологияси кулбетидаги декани муовини К. Пўлдошевага синглини

СУЙМАХОЛИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.
№ 198.
ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

КУМУШ СОВРИНДОР

Жумҳуриятимиз моҳир енгил атлетикачиси Виктор Заичев мавсумини муваффақиятли ўтказмоқда. У яқинда Тошкент билан биродарлашган Сентль-шайрда ўтказилган Яхши ният йўналишида маҳорат кўрсатиб, ғолиблик сулпасига кўтарилган эди. Энди эса Югославиянинг Сплит шаҳрида ўтказилган Европа чемпионатида ўзини кўрсатишга ҳаракат қилди. Виктор 30 сафар найзани 83 метр 30 сантиметрга уқликтириб, китъа биринчилигини кумуш медалини қўлга киритди.

РЕГБИ:

САҒАР УЧРАШУВИДА

Олий лига вакили Тошкентнинг «Звезда» командаси регбичилари чемпионат ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мавсумларини муваффақиятли уринмоқдалар. Зеро, спортчиларимиз навбатдаги сафар учрашувида имкониятни бой бериб қўйишди. Улар Кутаисининг «Айя» командаси майдонида 8:27 ҳисобида ютқаздилар. Ҳозир «Звезда» командаси 31 очко билан ўйинлар жадалининг ўрталаридан жой олиб турибди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● УРТОҚЛИК УЧРАШУВИ. СССР РМБ командаси Европада чемпионатга ҳозирлик тарафидан ўтказилган ўртоқлик учрашувида имкониятни бой берди. Футболчиларимиз ўз майдонларида Руминия командасига 1:2 ҳисобда ютказишди.

● ИККИНЧИ ЛИГА. Шарқий зонада ўтказилган навбатдаги учрашувлардан кейин Нахиджанин «Океан» футболчилари 35 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Наманганнинг «Навбахор» командаси 34 очко билан иккинчи бўлиб турибди. Чимкентнинг «Мелиоратор» ва Фарғонанинг «Нефтяник» коллективларида 33 тадан очко тўпланган.

ЯНГИ НАШР

БУХОРО ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи ҳодимлари «Бухоро вилояти тарихи ва маданияти» ёдгорликлари тўпламини нашрга тайёрладилар.

Бухоро инқилобининг 70 йиллигига тайёргарлик юзасидан амалга оширилётган бу хайрли тадбир орқали вилоят тарихи ва маданиятини ўзидан муҳим ҳисса қўшган фойдаловчи ёдгорликлари ҳақида улар яшаган ўйлар ҳақида маълумотлар, расмлар тўпламдан ўрин олган. Шунингдек, ёдгорликлар мажмуеси инқилобий майдонлар ва тарихий тадбирлар ўтказилган жойлар ҳақида ҳам маълумотларни ўз ичига олади.

М. СУЛТОНОВ.